
Марғилон шаҳри ҳудудига "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 70 минг тупдан зиёд кўчат ва қаламчалар экилди

Марғилон шаҳрида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари давом этмоқда.

Жумладан бугун шаҳар қурилиш комплексидаги ташкилотлар томонидан намунавий оммавий кўчат экиш тадбири ўтказилди.

Тадбирда шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов, шаҳардаги коммунал идоралар раҳбарлари, Экопартия Марғилон шаҳар Кенгаши ҳамда Экология бўлими ходимлари иштирок этиб, "Ижодкорлар боғи" ҳудудига сафора, акация, павлония, сасна ва бошқа мевали ва манзарали кўчатларни экишди.

2023-02-28 14:27:28